ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

[redacted] йил октябрь ойининг [redacted] куни жиноят ишлари бўйича [redacted] туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича [redacted] туман судининг раиси [redacted], судья ёрдамчиси [redacted] котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси [redacted] туман прокурорининг катта ёрдамчиси [redacted], судланувчи [redacted] ва унинг ҳимоячиси "[redacted]" адвокатлик бюроси адвокати [redacted] иштирокида, фуқаровий даъвогар [redacted], жабрланувчилар [redacted] ва [redacted] қатнашувида, [redacted] [redacted] нисбатан [redacted]-[redacted]-[redacted]/[redacted]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[redacted] ҳужжатларига кўра,

[redacted] [redacted] [redacted] ([redacted] [redacted]), [redacted] йил [redacted] ноябрь куни [redacted] туманида туғилган, миллати ўзбек, [redacted] фуқароси, маълумоти олий, оилали, [redacted] нафар фарзандлари бор, давлат мукофотлари билан тақдирланмаган, депутат эмас, вақтинча ишсиз, ишга алоқадор вақтда АТ "[redacted] банки" [redacted] филиалида юридик мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимида ишлаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича [redacted] туман судининг [redacted] йил [redacted] апрелдаги ҳукмига мувофиқ [redacted] ЖК [redacted]-моддаси [redacted]-қисмининг "а" банди билан ЖК [redacted],[redacted]-моддаларини қўллаб, [redacted] йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан махрум қилиниб, [redacted] йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖК [redacted]-моддаси тартибида ўташ учун [redacted] йил [redacted] ой [redacted] кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган, жазони ўтамаган, [redacted] тумани [redacted] МФЙ, [redacted] кўчаси [redacted]-уйда яшайди, иш бўйича [redacted].[redacted].[redacted] йил куни қамоққа олиш тарзидаги эхтиёт чораси қўлланилган ва шу кундан қидирув эълон қилинган, [redacted].[redacted].[redacted] йил куни ушланиб, шу кундан қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини [redacted] йил [redacted] сентябрь куни олган,

[redacted] ЖК [redacted]-моддаси [redacted]-қисмининг "г" банди, [redacted]-моддаси [redacted]-қисмининг "б" банди ва [redacted]-моддаси [redacted]-қисмининг "а" банди билан айбланган.

[redacted], судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[redacted] йилдан [redacted] йилга қадарли АТ "[redacted] банки" [redacted] филиалида юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келиб, фуқаро [redacted] номидан кредит олиш бўйича ариза ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб, [redacted] номидан расмийлаштирилган барча ҳужжатларни қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатларни қалбаки эканлигини онгли равишда билгани ҳолда, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб АТ "[redacted] банки" [redacted] филиалига тақдим этиб, мазкур сохта хужжатлар асосида фуқаро [redacted] ва банк филиали ўртасида тузилган [redacted] йилдаги кредит шартномасига асосан [redacted] ой муддатга, йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан [redacted] сўм миқдоридаги микроқарз маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларини [redacted] номига очилган пластик картага тушириб, [redacted] ҳабардорлигисиз унинг номига ажратилган жами [redacted] сўм банк маблағларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

[redacted], судланувчи [redacted] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, фуқаро [redacted] номига кредит олиш бўйича ариза ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб, [redacted] номидан расмийлаштирилган барча ҳужжатларни қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатларни қалбаки эканлигини онгли равишда билгани ҳолда, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб АТ "[redacted] банки" [redacted] филиалига тақдим этиб, мазкур сохта хужжатлар асосида фуқаро [redacted] ва банк филиали ўртасида тузилган [redacted] йилдаги кредит шартномасига асосан [redacted] ой муддатга маиший ва компьютер техникалари сотиб олиш мақсади билан йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан [redacted] сўм миқдоридаги кредит маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларини "[redacted]" МЧЖ хисоб рақамига ўтказиб, ушбу маблағлар эвазига жамиятдан маиший ва копьютер техникалари сотиб олиб, ушбу сотиб олинган маиший ва компьютер техникаларини терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган йўллар билан нақд пулга сотиб юбориб, [redacted] ҳабардорлигисиз унинг номига ажратилган жами [redacted] сўм банк маблағларни такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

[redacted] ташқари, судланувчи [redacted] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, фуқаро [redacted] номидан кредит олиш бўйича ариза ва

унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб, [redacted] номидан расмийлаштирилган барча ҳужжатларни қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатларни қалбаки эканлигини онгли равишда билгани ҳолда, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб АТ “[redacted] банки” [redacted] филиалига тақдим этиб, мазкур сохта хужжатлар асосида фуқаро [redacted] ва банк филиали ўртасида тузилган [redacted].[redacted].[redacted] йилдаги кредит шартномасига асосан [redacted] ой муддатга, йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан [redacted].[redacted].[redacted] сўм миқдоридаги микроқарз маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларини [redacted] номига очилган пластик картага тушириб, [redacted] ҳабардорлигисиз унинг номига ажратилган жами [redacted].[redacted].[redacted] сўм банк маблағларни такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

[redacted], судланувчи [redacted] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, фуқаро [redacted] номидан кредит олиш бўйича ариза ва унга илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштириб, [redacted] номидан расмийлаштирилган барча ҳужжатларни қалбакилаштириб, мазкур ҳужжатларни қалбаки эканлигини онгли равишда билгани ҳолда, ушбу ҳужжатлардан фойдаланиб АТ “[redacted] банки” [redacted] филиалига тақдим этиб, мазкур сохта хужжатлар асосида фуқаро [redacted] ва банк филиали ўртасида тузилган [redacted].[redacted].[redacted] йилдаги кредит шартномасига асосан [redacted] ой муддатга маиший техника воситалари сотиб олиш мақсадида йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан [redacted].[redacted].[redacted] сўм миқдоридаги кредит маблағларини ажратилишига эришиб, ушбу кредит маблағларини “[redacted]” МЧЖ хисоб рақамига ўтказиб, ушбу маблағлар эвазига жамиятдан маиший техника воситаларини сотиб олиб, ушбу сотиб олинган маиший техникаларини терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган йўллар билан нақд пулга сотиб юбориб, [redacted] ҳабардорлигисиз унинг номига ажратилган жами [redacted].[redacted].[redacted] сўм банк маблағларни такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

[redacted] ташқари, судланувчи [redacted] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, жабрланувчи [redacted] ва АТ “[redacted] банки” [redacted] филиали ўртасида [redacted].[redacted].[redacted] йилда тузилган [redacted]-сонли кредит шартномасига асосан кредит маблағлари ажратилганлиги ва ушбу фуқаро томонидан кредит маблағларини ойлик график асосида тўлаши лозим бўлган [redacted].[redacted].[redacted] сўм пул маблағларини унинг ишончига кириб, ушбу тўловларни қабул қилиб олиши ва ўз вақтида ғазнага кирим қилиб қўйишга вада бериб, [redacted] йилнинг январь-февраль ойларида [redacted] [redacted].[redacted].[redacted] сўм нақд пул маблағларини қабул қилиб олиб, ушбу маблағларни банк ғазнасига [redacted] кредитдан бўлган қарздорлигини бартараф этиш учун топширмаган ҳолда ўз эхтиёжлари учун сарфлаб юбориб, [redacted] [redacted].[redacted].[redacted] сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

[redacted], [redacted] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, жабрланувчи [redacted] ва АТ “[redacted] банки” [redacted] филиали ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан кредит маблағлари ажратилганлиги ва ушбу фуқаро томонидан кредит маблағларини ойлик график асосида тўлаши лозим бўлган жами [redacted].[redacted].[redacted] сўм пул маблағларини унинг ишончига кириб, уни алдаб, ушбу тўловларни ўз вақтида ғазнага кирим қилиб қўйишга вада бериб, [redacted] йилнинг август ойида [redacted] [redacted].[redacted].[redacted] сўм пул маблағларини фуқаро [redacted] орқали олиб, ушбу маблағларни банк ғазнасига [redacted] кредитдан бўлган қарздорлигини бартараф этиш учун топширмаган ҳолда ўз эхтиёжлари учун сарфлаб юбориб, [redacted] [redacted].[redacted].[redacted] сўм пулларни такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

[redacted] [redacted] судда, ўзи [redacted].[redacted].[redacted] йилдан [redacted].[redacted].[redacted] йилга қадарли АТ “[redacted] банки” [redacted] филиалида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни кредитлаш шуъба мудири, чакана хизматлар бўлими, юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифаларида ишлаганини, [redacted] йил ёз ойларига қадарли банкда бирга ишлаган [redacted] фуқаро [redacted] қарзи бўлганини, ўзини эса [redacted].[redacted].[redacted] сўм қарзи бўлганлиги сабабли у ўзига қарзи эвазига фуқаро [redacted] банкдаги қарзини тўлаш мажбуриятини олганини, лекин ўзи айрим сабабларга кўра айтилган пулларни [redacted] номидан банкка тўлай олмаганини, бироқ ўзи [redacted] қўлидан унинг кредит қарзини тўлаб қўйиш учун пул маблағларини олмагани ва уни алдамаганини, лекин кредит қарздорликни [redacted] эмас ўзи тўлаши лозим бўлганини, ҳақиқатдан [redacted] хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаётган вақтида [redacted] ўзининг номига олинган кредит тўлови учун [redacted] минг. сўм пулларни олиб келиб берганлиги тўғрилигини, лекин [redacted] млн. [redacted] минг сўм пуларни олганини эслай олмаётганини, шундай бўлса ҳам унга ушбу зарарларни тўлиқ қоплашини, ўзи [redacted] қизиқтириб, пулларни бериб кетишини айтмаганини, [redacted] ўзи навбат кўплиги сабабли тўлаб қўйишни илтимос қилиб пулларини бериб кетганини, шунингдек, фуқаро [redacted] ўзини дўсти бўлишини, у терговда нотўғри кўрсатув берганини, ўзи унга унинг номига кредит олиб туришини айтганини, [redacted] ўзига автокредит олишини, ўшанга қадарли кредитни ёпип қўйса олиши мумкинлигини айтганини, шу сабабли [redacted] розилиги билан унинг номидан ўзи имзо қўйиб кредит ҳужжатларини расмийлаштириб унинг номига [redacted].[redacted].[redacted] йилда [redacted]-ой муддатга йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан у ва банк ўртосида тузилган шартномага асосан [redacted] млн. [redacted] минг сўм пул маблағларини олиб, ўзимни эҳтёжи учун сарифлаб юборганини, шунингдек, [redacted] ўзини таниши бўлишини, шунингдек, [redacted] бошқа бир шахс томонидан олинаётган кредит учун кафил сифатида фуқаролик паспорти ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларини тақдим қилганлиги сабабли ушбу ҳужжатлари ўзида қолиб кетганини, сўнг

[redacted] номидан барча ҳужжатларни тайёрлаб унинг номидан имзоларини қўйиб [redacted] млн. сўм миқрақарз кредити олгани тўғрилигини, олинган кредит маблағларидан бир икки маротаба тўлаганини, қолган маблағлари қолиб кетганини, бундан ташқари, [redacted] билан [redacted]-[redacted] йилларда [redacted] туманида жойлашган [redacted]-физика-математика лицейида бирга ўқиганини, шу сабабли уни ўша йилдан буён таниб келишини, [redacted] йил йил бошида олдига имтиёзли кредит чиқариб беришини сўраб келганини, ўша вақтларида имтиёзли кредит чиқариш учун ресурс бўлмаганлиги учун унга тижорий кредит чиқариб беришини, бунинг учун у ҳам ўзига ёрдам беришини айтганини, шунда у ўзига укаси [redacted] ва келини [redacted] номига чиқаришлари мумкинлигини, уларни бирини [redacted] ва яна бирини ўзи оладиган бўлганини, сўнг керакли ҳужжатларни тайёрлаб, [redacted].[redacted].[redacted] йил санаси билан [redacted] ой муддатга, йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан электр, маиший ва компьютер техникалари сотиб олиш мақсадида [redacted].[redacted].[redacted] сўм ажратишлик ҳақидаги [redacted]-сонли истеъмол кредит шартномаси расмийлаштириб, шартномани банк филиали номидан имзоланиб, керакли ҳужжатлар тайёрланиб [redacted] номига [redacted].[redacted].[redacted] сўм кредит маблағлари ажратилиб, уларни [redacted].[redacted].[redacted] йилда "[redacted]" МЧЖ хисоб рақамига ўтказиб, кредит маблағлари эвазига жамиятдан сотиб олинган [redacted].[redacted].[redacted] маиший ва копьютер техникаларини турли шахсларга нақд пулга сотиб, пулларни [redacted] олганини, [redacted] номига [redacted].[redacted].[redacted] йил санаси билан [redacted] ой муддатга, [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан электр, маиший ва компьютер техникалари сотиб олиш мақсадида [redacted].[redacted].[redacted] сўм ажратилган кредит маблағларини [redacted].[redacted].[redacted] йилда "[redacted] [redacted]" МЧЖ хисоб рақамига ўтказиб, кредит маблағлари эвазига жамиятдан сотиб олинган [redacted].[redacted].[redacted] маиший ва компьютер техникаларини турли шахсларга нақд пулга сотиб, пулларни шахсий эҳтиёжларига сарифлаганини, шунингдек, фуқаро [redacted] [redacted] йил феврал ойида имтиёзли кредит ажратилишида амалий ёрдам беришни сўраб банкка керакли ҳужжатларини топширганини, ўша вақтларда имтиёзли кредит учун [redacted] ресурс ажратилмганлиги сабабли, фуқарони хабардорлигисиз ўзи унинг номидан барча ҳужжатларни тайёрлаб, тайёрланган барча ҳужжатларига ўзи фуқаро номидан имзо қўйиб [redacted].[redacted].[redacted] йилда [redacted] ой муддатга, йиллик [redacted] фоиз устама тўлаш шарти билан [redacted] млн. сўм кредит ажратилишига эришиб, ажратилган пулларни шахсий эҳтиёжи учун сарифлаб юборганини, келгусида жабрланувчиларга ва банкка етказилган зарарларни тўлиқ қоплашини, оилада ягона боқувчи эканини, қарамоғида кекса ота-онаси ва вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] даъвогар [redacted] судда, ўзи АТ "[redacted] банки" [redacted] вилоят филиали бош юристконсулт вазифасида ишлаб келишини, ўзининг хизмат вазифаларига банк манфаатини кўзлаб, судларда даъвогар, жавобгар

сифатида қатнашиш ва бошқалар киришини, АТ “[redacted] банки” [redacted] филиалида [redacted] хизматлар бўлими бошлиғи бўлиб [redacted] хам ишлаб келганини, банк ходимлари томонидан банк филиали ва фуқаролар ўртасида тузилган кредит шартномалари бўйича ажратилган кредитларни ундириш харакатлари давомида бир неча фуқаролар томонидан номларига ажратилган кредит маблағларини олмаганликлари юзасидан аризалар келиб тушганини, мазкур аризаларни ўрганиш жараёнида, банк филиали [redacted] хизматлар бўлими собиқ бошлиғи [redacted] АТ “[redacted] банки” [redacted] филиали томонидан фуқароларни хабардорлигисиз [redacted].[redacted].[redacted] йилда фуқаро [redacted] [redacted].[redacted] млн сўм, [redacted].[redacted].[redacted] йилда фуқаро [redacted] [redacted].[redacted] млн сўм микроқарз маблағлари ажратилиши хақидаги, [redacted].[redacted].[redacted] йилда фуқаро [redacted] [redacted].[redacted] млн сўм, [redacted] [redacted].[redacted] млн сўм, [redacted] [redacted].[redacted] млн сўм истеъмол кредити маблағлари ажратилиши хақидаги кредит шартномалари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириб, ушбу фуқаролар номига ажратилган кредит маблағларини фуқаролар хабардорлигисиз сарфлаб юборганлиги аниқланганини, номларига банк томонидан кредит маблағлари ажратилган фуқаролар билан сухбатлашилганида улар хам банкдан кредит маблағлари олмаганликлари, кредит шартномаларини имзоламаганликларини билдириб ўтишганини, бундан ташқари, [redacted] банк филиали билан тузилган кредит шартномаларига асосан ажратилган кредит тўловлари учун фуқаро [redacted] томонидан топширилган [redacted].[redacted].[redacted] сўми, [redacted] томонидан топширилган [redacted].[redacted].[redacted] сўм пулларни олган бўлсада, пулларни фуқароларни банк кредитдан бўлган тўловларни сўндириш учун банк кассасига топширмасдан ўз эхтиёжлари учун сарфлаб юборганлиги аниқланганини, фуқаролар ва банк филиали ўртасида тузилган кредит шартномаларига асосан ажратилган кредит маблағлари банк ўз ресурслари хисобидан ажратилган бўлиб, хозирда юқоридаги фуқаролар номига ажратилган кредит маблағлари тўлови график асосида амалга оширилмаётганлиги, кредит тўловлари мауаммоли қарздорлик тоифасига айланиб, оқибатда банк филиали моддий зарар кўраётгани сабабли олинган крелит маблағларини [redacted] банк фойдасига ундириб беришни, жазо масаласида [redacted] даъвоси йўқлиги сабабли унга қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] судда, ўзи [redacted] йил июнь ойида дастгоҳ сотиб олиш мақсадида АТ “[redacted]” [redacted] филиалидан [redacted] ой муддатга [redacted] фоиз ставкада [redacted].[redacted].[redacted] сўм имтиёзли кредит олганини, ушбу кредитни ой-ой тўлаб келганини, АТ “[redacted]” [redacted] филиалидан олган кредит учун хар ойда ўртача [redacted].[redacted].[redacted] сўм атрофида тўлаб келганини, [redacted] йил [redacted] январь куни АТ “[redacted]” [redacted] филиалига келиб, кредит учун тўлов қилмоқчи бўлганида, кассада пул тўламоқчи бўлган фуқаролар жуда кўп бўлганини, шу вақтда қизи бетоб бўлганлиги ва шошилиб турганлиги учун банкда ишловчи [redacted] ўзига кредит учун тўловни ўзи қилишини айтиб, [redacted].[redacted] сўм пулни олиб қолганини ва кредити учун тўлаб қўйганини, орадан бир неча кун вақт ўтганидан сўнг ўзи яна [redacted].[redacted] сўм пулни олиб, кредитини тўлаш учун [redacted]

борганида яна навбат кўплиги сабабли [redacted].[redacted] сўм пулни банк ходими [redacted] бериб кетганини, лекин [redacted] ушбу пулни ўзини кредити учун тўламаганини, [redacted] йил февраль ойида хам АТ "[redacted]" [redacted] филиалига келиб, кредит учун тўлов қилиш мақсадида [redacted].[redacted].[redacted] сўм пулни банк ходими [redacted] берганини, лекин [redacted] ушбу пулни кредити учун тўламаганини, ўзи бу ҳақда банк ходими [redacted] айтганида, у пулларини ишлатиб қўйганлигини, тўлаб қўйишини, қолган ойлар учун тўлов қилиб тураверишини айтганини, лекин шу кунга қадарли ўзидан олган [redacted].[redacted].[redacted] сўм пулни кредити учун тўламасдан келганини, суд тергови давомида [redacted] оила аъзолари томонидан [redacted].[redacted].[redacted] сўм зарарлари тўлиқ қопланганини, шу сабабли [redacted] нисбатан даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] [redacted] судда, ўзи [redacted] йил апрель ойида ёғочдан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун дастгоҳ сотиб олиш мақсадида АТ "[redacted]" [redacted] филиалига мурожаат қилгани ва ўзига [redacted] ой муддатга [redacted] фоиз ставкада [redacted].[redacted].[redacted] сўм имтиёзли кредит ажратилганини, ўзи ушбу кредитни ойма-ой тўлаб келганини, шунингдек, ўдзи таниши [redacted] билан бирга ёғочдан тайёрланадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун дастгоҳ сотиб олиш мақсадида АТ "[redacted]" [redacted] филиалидан [redacted] ой муддатга [redacted] фоиз ставкада [redacted].[redacted].[redacted] сўм имтиёзли кредит олганини, ушбу кредитни хам [redacted] билан билан бирга ой-ой тўлаб келишганини, [redacted] билан бирга [redacted] туман [redacted] МФЙ ҳудудида офис, ёток мебеллари ва бошқа турдаги мебеллар ишлаб чиқаришларини, [redacted] йил август ойларида ўзини номига ажратилган ва шериги [redacted] номига ажратилган кредитлар бўйича жами [redacted].[redacted].[redacted] сўм кредит қарздорлиги қолганида ушбу банкда ишловчи [redacted] ўзидан қарзи бўлгани сабабли [redacted] ўзига ушбу банкни яна бир ходими [redacted] ундан қарзи борлигини, қолган тўловларни [redacted] тўлаб қўйишини айтганини, сўнг [redacted] ҳам ушбу тўловларни ўзи тўлаб қўйишини айтганини, бироқ орадан вақт ўтиб банкдан одам келиб кредит қарздорлиги борлиги ҳақида айтишганини, шунда [redacted] қолган кредит қарздорликларини тўлаб қўймаганини билганини, ҳозирда [redacted] оила аъзолари томонидан ўзига етказилган [redacted].[redacted].[redacted] сўм зарарлар тўлиқ қопланганини, шу сабабли [redacted] нисбатан моддий ва маънавий зарарлар юзасидан хеч қандай даъвоси йўқлигини, унга қонуний енгиллик беришни сўрашини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] [redacted] судда, ўзи "[redacted] [redacted] [redacted]" АЖда [redacted] йилдан буён ишлаб келишини, ўзи таниши [redacted] жияни номига АТ "[redacted]" [redacted] филиалидан кредит олаётганлиги, кредит учун кафил бўлиб туришини айтгани учун розилик бериб, фуқаролик паспорти нусҳасини ва иш хақи маълумотини [redacted] берганини, сўнг АТ "[redacted]" [redacted] филиалига бориб, [redacted] жияни номига ажратилган кредит бўйича кафил сифатида

имзо қўйиб берганини, [redacted] йил октябрь-ноябрь ойларида АТ “[redacted]” [redacted] филиали ходимлари яшаш хонадонига келишиб, банкдан [redacted].[redacted].[redacted] сўм кредит олганлигини айтишгани, ўзи уларга банкдан кредит олмаганлигини маълум қилиб, АТ “[redacted]” [redacted] филиалига борганида банкда ишловчи “[redacted]” исмли таниши турган эканини, ўзи унга бу хақда айтганида, [redacted] ўзига кредитни ўзини номимдан унинг ўзи олганлигини, лекин бу хақда ўзига айта олмаганлигини, [redacted] ой ичида кредитни ёпиб қўйишини, банк ходимлари уйига бормаслигини айтганини, сўнг ўзи хонадонига борган банк ходимаси билан кўришиб, унга кредит олмаганлигини айтганини, орадан бир ой ўтганидан сўнг банк ходимлари яна кредит тўлашини айтиб, хонадонига боришганини, шундан сўнг ўзи банк ходимларига кредит олмаганлигини, кредитни банк ходими [redacted] олганлигини айтиб, ариза ёзиб берганини, шу вақтда [redacted] ўзига кредитни тўлаб қўйишини айтганини, лекин шу кунга қадарли тўламаганини, ўзи ушбу кредит олинишида расмийлаштирилган ҳужжатларга умуман имзо қўймаганини, кредит йиғма жилди ҳужжатларидаги имзо ўзига тегишли эмаслигини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] [redacted] судда, ўзи [redacted] йилда [redacted] билан қонуний никохдан ўтиб турмуш қурганини, [redacted] йилда турмуш ўртоғи [redacted] билан бирга кредит олиш мақсадида [redacted] туман собиқ қишлоқ хўжалик коллежида тадбиркорлик қилиш бўйича бир ойлик қисқа курсда ўқишганини, ўзи [redacted] йилда [redacted] шаҳрида жойлашган [redacted] [redacted] [redacted] қошидаги академик лицейни таъмомлаганидан сўнг, шу кунга қадарли бирор-бир жойда ишламаганини, [redacted] йилда турмуш ўртоғи [redacted] билан бирга кредит олиш мақсадида [redacted] туман собиқ қишлоқ хўжалик коллежида тадбиркорлик қилиш бўйича бир ойлик қисқа курсда ўқишганини, улар сертификат олишганидан сўнг кредит олиш бўйича АТ “[redacted]” [redacted] филиалига боришганида банк ходими [redacted] улар истиқомат қилувчи махаллага [redacted] томонидан кредит берилишини айтганини, улар банкдан чиқиб кетаётган вақтларида банк ходими [redacted] бизга АТ “[redacted]” [redacted] филиалидан кредит ажратиб беришини, фуқаролик паспортларини ташлаб кетишларини айтгани, ўзи ва турмуш ўртоғи [redacted] фуқаролик паспортларини нусҳасини ташлаб кетишганини, [redacted] уларга кредит чиқариш бўйича чақиришини айтганини, турмуш ўртоғи [redacted] банк ходими [redacted] бир неча маротаба қўнғироқ қилинида, у уларга кредит ажратилмаганлигин айтганини, [redacted] йил ёз ойларида АТ “[redacted]” [redacted] филиали ходимлари келишиб ўзини номига банкдан [redacted].[redacted].[redacted] сўм кредит ажратилганлигини, кредит учун тўлов қилмаётганлигини айтишганини, ўзи банк ходимларига кредит олмаганлигини айтганини, ўзи ва турмуш ўртоғи [redacted] кредит олиш бўйича АТ “[redacted]” [redacted] филиалига боришганида банк ходими [redacted] кредит ажратиб беришини айтиб, фуқаролик паспортларини олиб қолгани, лекин у уларга кредит ажратилмаганлигини айтганини, ўзи АТ “[redacted]”

[redacted] филиалидан ажратилган [redacted] сўм кредит маблағлари ҳисобига [redacted] туманидаги “[redacted]” МЧЖдан [redacted] та кир ювиш машинаси, [redacted] та телевизор, [redacted] та кондиционер, [redacted] та духовка жами [redacted] сўмлик маҳсулотлар сотиб олиш бўйича [redacted] йилдаги [redacted]-сонли олди-сотди шартнома тузмаганини, ушбу маҳсулотларни олмаганини, ўзи [redacted] туманидаги “[redacted]” МЧЖ ходимларини танимаслигини билдириб кўрсатув берди.

[redacted] судда, ўзи [redacted] йилдан буён банк тизимида ишлаб келишини, эгаллаб турган лавозимида [redacted] йил февраль ойидан ишлаб келаётганини, хизмат вазифаларига кредит ташкилотларини инспекция қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан қабул қилинган қарорларига асосан текширишлар ўтказиш киришини, ўзи [redacted] туман прокуратурасининг [redacted] йилдаги [redacted]/-[redacted]-сонли хати, “[redacted] сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш ҳақида”ги қарори ва [redacted] банк [redacted] вилояти [redacted] бошқармасининг [redacted] йилдаги [redacted]-сонли [redacted] кўрсатилган холатларни АТ “[redacted] банки” [redacted] филиали бошлиғи [redacted] ва филиал мутахассиси [redacted] хабардорлигида, банк филиали тақдим этган ҳужжатлар ва банк айланмалари асосида ўрганиш ўтзалилганини, ҳужжатли тафтиш асосан АТ [redacted] банки [redacted] филиали томонидан фуқаро [redacted] сўм, фуқаро [redacted] сўм, фуқаро [redacted] сўм ва фуқаро [redacted] сўм, миқдоридаги кредит маблағлари бўйича шакллантирилган кредит йиғма жилдларининг қонунийлиги ўрганилганини, фуқаро [redacted] ажратилган [redacted] сўмлик кредит маблағлари бўйича ўрганилганда, унинг номига [redacted] сўм миқдоридаги кредит маблағлари АТ [redacted] банки [redacted] филиали номидан, филиал низоми ҳамда [redacted]-[redacted]/[redacted]-сонли ишончнома, “[redacted] тижорат [redacted] банки кредит сиёсати”га асосан ва [redacted] йил кунги [redacted]/[redacted]-сонли “[redacted] тижорат [redacted] банкида жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш тўғрисида”ги [redacted] қарорларига асосан расмийлаштирилиши белгиланганини, [redacted] йил куни фуқаро [redacted] номидан компьютер воситаси орқали ёзилган, фуқаро томонидан имзоланган ариза орқали АТ “[redacted] банки” [redacted] филиали [redacted] хизматлар бўлими бошлиғи [redacted] электр, маиший ва компютер техникаларини сотиб олиш учун [redacted] ой муддатга, йиллик [redacted]% устама ҳақи тўлаш шарти билан [redacted] сўм миқдорида истеъмол кредити ажратиш сўралганини, кредит таъминоти сифатида фуқаро [redacted] фоиз иш ҳақи кафиллиги тақдим этилишини билдирганини, мазкур ариза банк филиалида [redacted] йил куни [redacted]-сон билан рўйхатга олингани ҳамда ушбу ариза банк филиали [redacted] хизматлар бўлими бошлиғи [redacted] томонидан “[redacted] ижро учун”,- устхати орқали [redacted] йўналтирилганини, тақдим этилган кредит йиғма жилдида фуқаро

